Ушбу сонда:
2 НАВРЎЗИ ОЛАМ НАФАСИ
3 ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА
4 ОЛИС ҚИШЛОҚ СПОРТИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 6 март, чоршанба №38 (1255)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## «МАДИНА»НИНГ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ

Андижон вилояти Балиқчи туманидаги «Мадина-97» хусусий фирмасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг юқори сифати билан ажралиб туради. Унинг раҳбари О.Жакбарова тадбиркорлик фаолиятини учта тикув машинаси ва беш нафар ишчи ёрдамида бошлаган эди. Бугунги кунда бу ерда 20 киши меҳнат қилмоқда. Мазкур фирма спорт маҳсулотлари - кимоно, футбол, волейбол тўплари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Энг асосийси, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили фирма «Таълим савдо» республика бош бошқармасининг тендерида ғолиб чиқди ва ушбу тендер бўйича қарийб 30 миллион сўмлик 17 мингта ўқувчилар сумкасини тайёрлади.

(ЎзА).

## Ўзбекистон — АҚШ:

# МУНОСАБАТЛАР ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК АСОСИДА

***Жаҳон халқларини бир-бирига яқинлаштирадиган ҳам, бир-бирига нисбатан меҳр уйғотадиган ҳам, ўз миллати, халқи обрўйини кўтарадиган ҳам ҳамкорлик ришталаридир. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир ватанпарвар, ҳар бир мутахассис буни асло унутмаслиги керак, энг муҳими ўз саъй-ҳаракатларини ҳамиша жаҳон андозасига солиштириб кўриши лозим. Бу сатрлар ўзбек алломаларидан бири — Абдулла Авлоний мушоҳадасига мансубдир.***

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганидан сўнг жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳалардаги алоқаларни юқори савияда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратди. Айниқса, Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатлар тобора фаоллашиб бормоқда. Шуни алоҳида қайд этмоқ керакки, икки томонлама ҳамкорлик ўзаро тенг мезонлар асосида рўёбга чиқмоқда. Бундай йўл тутиш ўз навбатида тилга олса арзигулик самаралар берди. Мамлакатимизда АҚШ билан биргаликда бунёд этилган «Зарафшон-Ньюмонт», «ЎзКейсмаш», «Ўздунробита», «Мармар», «АББ Лиммус Глобал» сингари қўшма корхоналар саноат, коммуникация ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда алоҳида ўрин тутмоқда.

— Собиқ шўро даврида Америка билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида, ҳатто, оғиз очиб бўлмасди. Бизнес, фермер, компания, ассоциация, мулкдор, биржа деган сўзларни айтсак, нақ балога қолардик, - дейди Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги Собиржон Сиддиқов номли хўжалик аъзоси Эркин Йўлчиев, — Аллоҳга шукрки, истиқлол шарофати билан Америкага ҳам йўлимиз очилди. Фермерлик, илғор техника ва технология, мулк шаклини ўзгартириш масалалари Америка тадбиркорларидан кўпгина яхши тамойилларни ўргандик. Зотан, АҚШ айни пайтда энг ривожланган, салоҳияти беқиёс, иқтисодиёти бақувват давлатлардан биридир. Шунинг учун ҳам бу давлат қатор мамлакатлар, минтақалар ва қитъалар ўртасида кўприк вазифасини ўтаб келмоқда.

...Худди шундай. Биргина масала — кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш жараёни мамлакатимизда кейинги йилларда кенг қулоч ёйди. Фақат ўтган йилнинг охирларига келиб кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорларнинг, деҳқон ва фермер хўжаликларининг молиявий, моддий-техника заҳираларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш мақсадида 50 га яқин мини-банк, 40 қа яқин ёқилғи-мойлаш материаллари шаҳобчалари, маъданли ўғитлар сотадиган 40 га омбор, 38 та муқобил машина-трактор парки, 35 дан зиёд сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ва бошқа янги-янги тизилмалар вужудга келди. Шу тариқа 260 миллион АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳаларни молиялаштиришда ҳам Американинг мадади катта бўлди.

Ўзбекистон АҚШ билан амалга ошираётган амалий муносабатларида ўзининг ишончли шерик эканлигини исботламоқда. Айтайлик, жорий йилнинг сўнгги икки ойи мобайнида АҚШ ҳукуматининг юртимизга ташриф буюрган қатор нуфузли делегациялари иштирокида турли-туман соҳаларда кечаётган ўзаро мулоқотлар чуқур таҳлил этилди.

АҚШ делегацияларининг дастлабки ташрифлари халқаро террорчиликка қарши кураш, аксилтеррорчи мамлакатлар иттифоқини вужудга келтириш тадбирлари билан боғлиқ бўлди. Ҳамкорлик уммони чегара билмас. Буни ҳаётнинг ўзи ёрқин кўрсатди. Эндиликда ўнлаб соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш истаги кучайиб бораётганлиги ўзбекистонликларни ҳам, америкаликларни ҳам қувонтирмоқда. Шунинг учун бўлса керак, АҚШ президенти Жорж Буш жаноби олийлари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга турли муносабатлар билан йўллаган табрикномаларида ҳамкорлигимиз тобора кенгая боради, деб ишонч билдирди. Биламизки, АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Ўзбекистонга қилган сафари чоғида Юртбошимизга Оқ уй раҳбари Ж.Бушнинг мактубини топширган эди.

Мазкур мактубда Ж.Буш яқин вақт ичида Вашингтонда учрашиш умидини билдирган эди. Президентимиз матбуот анжуманида мазкур таклифни мамнуният билан қабул қилганлигини, АҚШ пойтахтида нафақат президент Ж.Буш, балки, Конгрес аъзолари, ишбилармонлар, умуман, Ўзбекистон-АҚШ муносабатларига дахлдор доиралар вакиллари билан учрашажаклигини маълум қилган эди. Ўшанда давлатимиз раҳбари ўзаро алоқаларимизнинг изчил ривожланишига ишонч билдиришга етарли асослар борлигини айтган эди.

Мамлакатимиз фуқаролари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатлар тобора ривожланиб бораётганидан чексиз қувонишаётганини фахр ила изҳор этмоқдалар.

**Р.УМАРОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

***Муҳтарам Президент жаноблари!***

***Мамлакатларимиз ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатганига ўн йил тўлди. Шу муносабат билан, Сизга ва ўзбек халқига бахт-саодат, равнақ ва муваффақиятлар тилаб билдирилган энг эзгу тилакларимни йўллаш шарафига муяссарман.***

***Ушбу сананинг нишонланиши бизга ўтган ўн йил мобайнидаги самарали ҳамкорлигимиз якунларини сарҳисоб қилиш учун асос бўлади. Биз бирга босиб ўтган йўл халқларимизга бир-бирини яхшироқ таниш имконини берди. Сиёсий муносабатларимиз мазмунан тобора бойимоқда. Маънавий меросимизни идрок этиш, келгуси авлодни камолга етказиб тарбиялашга қаратилган маданий ҳамкорлик ва илмий-техникавий алоқаларимиз дўст мамлакатларимиз равнақи йўлида ривожланмоқда. 1999 йилда мудофаа соҳасидаги ҳамкорлигимизга тамал тошини қўйдик. 2001 йили Ҳукуматларимизаро иқтисодий комиссия иш бошлади ва шу йилнинг июл ойида Тошкентда унинг илк мажлиси бўлиб ўтди. Ниҳоят, мамлакатингиз ўтган йили ўтиш даврини бошдан кечираётган ва кўплаб имтиёзлардан фойдаланадиган давлатлар рўйхатига киритилди. Бу эса шу йилнинг ўзидаёқ Қарши шаҳрида ва Қашқадарё вилоятида ирригация борасидаги лойиҳаларни амалга оширишга киришиш учун йўл очди.***

***Давлат идораларининг ҳамкорлиги, жумладан, молия соҳасидаги ҳамкорлик ривожланаётгани, 2001 йилнинг октябрида ваколати бутун Марказий Осиё минтақасида амал қиладиган полиция атташеси тайинланиб, ички ишларга тааллуқли органлар ўртасида алоқалар қарор топгани, шунингдек, Франция Марказий Осиёни ўрганиш институтининг аҳамияти ошиб бораётгани мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчил равнақ топаётгани ва қирралари кўпаяётганидан дарак беради.***

***Французлар Ўзбекистонни тобора кўпроқ танимоқда. Унинг маданияти, анъаналари ва минтақадаги юксак мавқеи ҳам давлат идоралари, ҳам хусусий компанияларнинг қизиқишини орттирмоқда. Франция бундан буён ҳам Ўзбекистон билан мулоқот ва ҳамкорликни барча соҳаларда мустаҳкамлаб бораверади.***

***Жаноб Президент, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.***

***Эзгу тилаклар билан,***

***Жак ШИРАК,***
***Франция Республикаси Президенти***

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

### ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 2002 йил 4 апрел куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси** **Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 5 март

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикаси референдумининг қарорларини амалга оширишга доир қонун ижодкорлиги ишлари концепцияси тўғрисида.
3. «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2001 йилдаги ижроси тўғрисида.
5. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
6. «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
7. «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
8. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
9. «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
10. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
11. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

* * *

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

## ҚАРИЯЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва маданий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти инсоннинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, унинг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг кам таъминланган ва серфарзанд оилаларни, ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, аҳолини, миллий генофондни соғломлаштиришга қаратилган Фармонлари ҳамда кейинги йиллар «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилингани бунинг яққол далилидир.

Бу борада жойларда талайгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Ибн Сино» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан Жиззах вилоятида «Қарияларни эъзозлаш ва улар саломатлигини муҳофаза қилиш - барчанинг бурчи» мавзуида семинар ўтказилди. Унда катта ҳаётий тажриба ва билимга эга бўлган кексаларнинг ёшларни она Ватанга садоқат, неча минг йиллик қадриятларимиз ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги ўрни ғоят муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Семинар доирасида Жиззах шаҳрида қариялар учун мўлжалланган «Ибн Сино» геронтология маркази очилиши маросими бўлиб ўтди.

(ЎзА).



Самарқанд шаҳрида «Дельфин» сузиш ҳавзаси бунёд этилмоқда. Замонавий услубда қурилаётган ушбу муҳташам спорт мажмуи 500 томошабинга мўлжалланнган. Унинг қурилишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва «Самарқандсувқурилиш» трестининг 3-механизацилашган кўчма жамланмасининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Лойиҳа ишлари эса «Самфуқароқурилиш» институти ходимлари томонидан амалга оширилмоқда.



**Суратларда: вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг вакили Баҳодир Бобомуродов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши мутахассиси Зоҳид Турсунов ва бунёдкор Ўлмас Нарзиқуловлар навбатдаги ишлар ҳақида суҳбатлашишмоқда; автокран бошқарувчиси Зайниддин Ражабов.**

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# СОЛИҚ ҲАҚИДАГИ ТУШУНЧАМИЗ ҚАНДАЙ?

***Ўша куни Урганч туман ҳокимлигининг катта мажлислар зали фермер ва деҳқон хўжалиги раҳбарлари, оддий тадбиркорлар, солиқ хизмати ходимлари билан гавжум бўлди. Улар «Намунали солиқ тўловчи» вилоят кўрик-танловига ташриф буюришган эди.***

Залга кираверишдаги кенг фойеда фермер ва деҳқон хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлардан намуналар қўйилган эди. Кўрик-танлов иштирокчилари уларни диққат билан кўздан кечириб чиқдилар.

Бугунги кунда биргина Урганч туманида етмишдан ортиқ фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатаяпти. Фойеда қўйилган маҳсулотларнинг каттагина қисми тумандаги «Баҳром» фермер хўжалиги корхоналарида тайёрланган. Хўжаликнинг сут, консерва заводлари, колбаса цехи, новвойхонаси ва тегирмонлари бор. Сигирлардан кунига 500 литрга етказиб сут соғиб олинмоқда. 26 гектар ерда ем-хашак, сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда. Ҳозир 24 нафар ишчи-хизматчи 16 хил маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Ёз мавсумида улар сони икки баровар кўпаяди.

Ўтган йили хўжалик салкам 50 миллион сўм ялпи даромад олди. Соф даромад эса қарийб бир миллион сўмни ташкил этди. Давлатдан олинган кредитлар тўла қайтарилди, солиқлар ўз вақтида тўлаб қўйилди.

Янгибозор туманидаги «Собир ота», Боғот туманидаги «Султонбобо», Гурлан туманидаги «Маъмун» фермер хўжаликлари ҳам илғорлар қаторида келаяпти. Хўжалик раҳбарлари иқтисодиёт, сиёсат, ҳуқуқ, маънавият ва бошқа соҳаларда ўз билимларини намойиш этиш учун бугунги кўрик-танловга ташриф буюришган.

Кўрик-танлов қатнашчиларига Урганч туман ҳокими Раҳматулла Зоирхонов ва Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Исмат Қўзиев омадлар тиладилар. Сўнг мусобақалар бошланиб кетди.

Танловда барча саволларга тўлиқ жавоб бериб юқори натижага эришган Урганч туманидаги «Баҳром» фермер ва деҳқон хўжалиги раҳбари Маркс Раҳмонов ғолиб деб топилди ва Давлат солиқ қўмитасининг фахрий ёрлиғи ҳамда туман ҳокимлигининг эсдалик совғаси билан мукофотланди. Бошқа қатнашчилар ҳам ўз натижаларига қараб муносиб тақдирландилар.

Эртаси куни Урганч шаҳар автомобил ва йўллар техникуми мажлислар залида вилоят кичик ва ўрта бизнес корхоналари раҳбарлари «Намунали солиқ тўловчи» номи учун ўзаро беллашдилар. Танлов очилиши олдидан улар зал фойесида ўз маҳсулотларидан намуналар намойиш этдилар. Йиғилганлар айниқса шаҳардаги «Орзу» ишлаб чиқариш ва савдо фирмаси маҳсулотларини катта қизиқиш билан кўздан кечирдилар.



Фирмада 40 нафар ишчи-хизматчи аҳолининг талаб ва эҳтиёжларига қараб 15-20 хил маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Кўргазмага қўйилган замонавий кийим-бошлар, дарпардалар ва бошқа уй жиҳозлари сифати юқори баҳоланди. Ишчан меҳнат жамоаси ўтган йили аҳолига 2 миллион 100 минг сўмлик хизмат кўрсатган эди. Бу йил фирма тикувчилари Тошкентдаги «Машҳура» корхонасида қўшимча касб эгаллаб, хизматлар кўламини янада кенгайтирмоқдалар.

Урганчдаги «Зодчий» кичик корхонасида чоп этилаётган турли хил матбаа маҳсулотлари, Хонқадаги «Руслан-95» хусусий корхонасида таъмирланган мураккаб электр двигателлари ҳам танлов қатнашчилари эътиборини тортди. Бундай корхоналар сони Хоразм вилоятида ой сайин кўпайиб бормоқда. Улар солиқ хизмати ходимлари билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқдалар.

Кўрик-танловда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг саккиз нафар раҳбари иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий билимларга қай даражада эга эканликларини намойиш этдилар. Барча саволларга жавоб бериб, энг юқори балл тўплаган «Орзу» ишлаб чиқариш ва савдо фирмаси раҳбари Машарип Отажонов ғолиб деб топилди ва Давлат солиқ қўмитасининг Фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғаси билан тақдирланди. Бошқа қатнашчиларнинг билими ҳам муносиб баҳоланди.

Кўрик-танлов давомида «Орзу» ишлаб чиқариш ва савдо фирмаси ходимлари янги модаларни намойиш этдилар.

Бугунги кунда вилоят давлат солиқ бошқармаси Хазорасп туманида якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ҳунармандларнинг солиқ қонунчилиги бўйича билимларини синовдан ўтказиш мақсадида ташкил этиладиган кўрик-танловга ҳозирлик кўрмоқда. Бундай тадбирлар солиқ қонунчилигини омма ўртасида кенг тарғиб этишга кўмаклашмоқда.

**Жасур НОСИРОВ,**
**Республика Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси.**

# НАВРЎЗИ ОЛАМ НАФАСИ

**Фуқароларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, шаҳар ва қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ижтимоий ҳимоянинг таркибий қисмидир.**

**«Берунийтутину» ҳиссадорлик жамияти бошқарув кенгаши раиси Н.Қурбонниёзов яхши бир таклифни ўртага ташлади:**

**— Жамоа билан маслаҳатлашиб, шаҳримизнинг марказий хиёбонида бир гузар қурсак. Нима дейсизлар?**

## БЕРУНИЙДАГИ «БАХТ УЙИ»

Бу таклиф касаба уюшма фаолларига ҳам маъқул тушди. Эртасига ҳиссадорларнинг кенгайтирилган йиғилиши чақирилиб, якдил қарорга келинди. Мамлакатимизнинг шимолий минтақасида жойлашган, буюк аллома Абу Райҳон Беруний номи билан аталадиган шаҳарда янги гузар қурилишига киришилди.

Талабчанлик ва тезкорлик билан иш олиб борилганлиги туфайли бир йил ичида ҳиссадорлик жамиятининг олган фойдаси ҳисобига 130 миллион сўмлик маблағ сарфланиб, кўркам савдо ва дам олиш маскани бунёд этилди.

Гавжум хиёбоннинг ўртасида жойлашган «Ёшлик» мажмуасидан 150 квадрат метрли саҳнга эга минимаркет дўкони, 100 ўринли қаҳвахона, тўй-томошалар ўтказиладиган кенг зални кўрган кишининг баҳридили очилади. Ойига 5 тонна нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик корхона, музқаймоқ цехи фаолият кўрсата бошлади.

Мажмуа ёнида халқ меъморчилигининг сўнгги ютуқлари ўзида акс этган «Бахт уйи», «Гўзаллик салони» қад кўтарди. «Бахт уйи» директори Дилором Мадиёрованинг таъкидлашича, қисқа фурсат ичида 150 дан ортиқ бахт тўйи ўтказилди. Турмуш қураётган йигит-қизлар учун маслаҳатхона ташкил этилган. Тажрибали шифокорлар Собир Аминов ва Дилноза Мамашариповалар оила қуриш, соғлом турмуш тарзи бўйича ўз маслаҳатларини аямайдилар.

Шаҳарда яшовчи Давлатёр Собиров билан Нигора Нуруллаева, қўш келин-куёв Аҳмад Ҳусаинов ва Тамара Абдукаримова, Отабек Ҳусаинов билан Санобар Қурбоноваларнинг никоҳ тўйлари ортиқча чиқимларсиз, кўнгилхушлик билан ўтди.

Мажмуада суратхона, меҳмонхона, бар ва ресторан ишлаб турибди. Тиниб-тинчимас ва ташкилотчи директор Худойберган Сафарбоевнинг айтишича, қурилиш ва ободончилик ишлари давом эттирилади, фуқароларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказадиган сайлгоҳ қад ростлайди.

Туманимизнинг 147 минг аҳолисига йил давомида 1 миллиард 313 миллион сўмлик хизмат кўрсатдик. Тармоқдан 41 миллион 389 минг сўм соф фойда олинди.

Жамоада ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш яхши йўлга қўйилган. Ўтган йили ходимларга бепул тушлик учун 908485 сўм сарфланди, кам таъминланган оилаларга 337,5 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, ишчиларга 434 минг сўмлик махсус кийим-кечаклар тарқатилди.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак. Жамият бошқаруви томонидан оталиққа олинган мактаб, маҳалла қўмиталари ва жамғармалар ҳисоб рақамларига 501 минг сўм ўтказиб берилди. 18-болалар боғчаси, Навоий номли ўрта мактаб, ўқув ишлаб чиқариш комбинати, «Гулистон», «Ҳамза», «Амир Темур» маҳаллалари шулар жумласидандир.. Т.Бедарова, Ш.Абдураҳмонова, К.Қўчқоров, С.Давлатмуродов каби кам таъминланган оилалар матлуботчиларнинг ҳимматидан мамнун.

Ишчилардан Йўлдош Ражабов, Гулистон Жуманиёзова «Турон», «Чимён» санаторийларига, Гулнора Айтбоева, Гулсина Саитова «Аёл ва оила» илмий марказида даволаниб саломатликларини тикладилар, уларнинг ҳар бирига касаба уюшмаси томонидан 55 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари ҳақида», «Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар билан савдо қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга қаратилган дастур ишлаб чиқилган. Бу йил ялпи товар айланишини 1,5 миллиард сўмга етказиш, марказлашмаган манбалар ҳисобидан 100 миллион сўмлик маҳсулотлар олиб келиш, аҳолининг кундалик эҳтиёж молларига бўлган талабини тўлароқ қондириш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

**А.УМАРОВ,**
**«Берунийтутину» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси.**







## БУГУН МАҲАЛЛА ГУЗАРИДА

**Баҳор кириб келиши билан шаҳар ва қишлоқларимиз маҳаллаларининг гузарларида ўзгача тароват ҳукм сура бошлади. Чойхоналарда яна ҳаёт қайнаб, ҳаммаёқда янгиланиш ва ёшариш эпкинлари кезмоқда. Бу — Наврўзнинг ўзига хос хусусияти.**

Сўнгги йилларда Жиззах вилоятида маҳалла гузарларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилаётир. Жиззах шаҳрининг ўзидагина 32 та, туманларнинг ҳар бирида эса 8-10 тадан гузар пайдо бўлди. Бундай масканлар учун қулай ҳамда шинам жойлар ажратилиб, кенг миқёсда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Ҳар бир гузар ҳудудида маданий-маиший бинолар, савдо дўконлари, цехлар бунёд этилди.

Пахтакор тумани марказида 7 та маҳалла мавжуд. 3 та маҳалла ўз гузарига эга. Пахтакор шаҳридаги «Тошкент» маҳалла фуқаролар йиғинида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, ибратлидир. Бу маҳаллага тадбиркор, ишбилармон Маҳмуд ака Урдушев ўн йилдан бери раислик қилиб келмоқда.

Маҳаллада 522 оила, жами 2310 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

1998 йили туман ҳокимининг ташаббусига кўра ҳашар йўли билан маҳалла гузарлари қурила бошланди. Бу ишда маҳаллада яшаётган саховатли фермерлар, тадбиркорлар бош-қош бўлишди. Кўп ўтмай «Нуронийлар чойхонаси», тиббиёт шохобчаси, сартарошхона, радио-телевизор созлаш, пойабзал устахоналари, дорихона, қатор савдо дўконлари қад кўтарди.

«Тошкент» маҳалла йиғини ўз ҳисоб рақамига эга. Етарли маблағи бор. Раиснинг елиб-югуриши туфайли гузар ва маҳалла ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилаяпти. Минглаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Маҳалла аҳли яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги» ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига ҳозиржавоблик билан муносабат билдириб, ҳар бир кўча ҳудудига 2 минг тупдан кўчат ўтқазиш ташаббуси билан чиқди. Ҳозиргача 10 та кўчанинг ҳар бирига минг тупдан кўчат ўтқазишга муваффақ бўлинди. Маҳалла кўчалари тоза ва саришта. Бу ерда «Энг намунали кўча», «Энг намунали оила»лар бор.

Таъкидлаб ўтиш keракки, олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари самараси ўлароқ кейинги йилларда бирон-бир ҳуқуқбузарлик содир этилгани йўқ. Маҳалла ва кўча оқсоқоллари халқ посбонлари билан ҳамкорликда иш олиб боришаяпти. Қоида шунақа: ушбу ҳудудда бегона кишиларнинг санқиб юришига йўл қўйилмайди. Шу туфайли ҳам аҳоли тинч ва осуда ҳаёт кечирмоқда.

Мазкур маҳаллада 174 нафар нафақахўр, 24 нафар ногирон истиқомат қилади. Кам таъминланган оилаларга, 2 ёшгача фарзанди борларга ойига 700 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатиб келинаяпти.

— Хонадонларимизнинг барчаси электр қуввати, табиий газ, тоза ичимлик суви билан юз фоиз таъминланган, - дейди Маҳмуд ака Урдушев. - Аҳолининг турмуш даражаси тобора яхшиланиб бормоқда. Коммунал хизматлар учун тўловларни йиғишда маҳалла оқсоқоллари яқиндан кўмак бермоқдалар.

Ҳа, маҳалла гузарлари тобора чирой очиб бормоқда. Ариқ ва зовурлар тозаланиб, тартибга келтирилаяпти. Маҳалла аҳли яратиш ва яшнатиш ишқи билан яшаётир.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Яқин Шарқ: ҳудуд эвазига хавфсизлик*

## ТИЙИЛИШНИНГ ОХИРИ — ТИНЧЛИК

Исроил қўшни араб давлатларининг ерларини 1967 йилдаги олти кунлик урушдан ва ундан кейинги давр мобайнида босиб олган эди. Шундан бери Яқин Шарқ минтақасида тинчликдан дарак йўқ. Фақат Мисргина 1973 йилдаги урушда босиб олинган ерларини қайтариб олди. Бошқа араб давлатлари йўқотган ҳудудларидан ҳамон мосуво. Минтақадаги вазият эса ҳамиша кескин. Қарийб ўттиз беш йилдан бери Фаластин билан Исроил ўзаро уруш ҳолатида. Бу урушнинг охири кўринмаяпти. Аксинча, вақти-вақти билан газак олиб, уруш олови дунё хавфсизлигига таҳдид солиб турибди. Масаланинг ечими топилмаётганлиги сабабли вазият тобора хавфли тус олмоқда.

Вазиятнинг охирги жиддий кескинлашуви ўтган йилнинг август ойига тўғри келди. Дастлаб Фаластинни озод қилиш Халқ Фронти раҳбари Абу Али Мустафо Исроилнинг махсус хизмати томонидан ўлдирилди. Фронт жангарилари бунга жавобан Қуддусдаги «Хайят» меҳмонхонасида Исроилнинг туризм вазири, истеъфодаги генерал Рехавам Зеевини отиб ўлдиришди. Шундан кейин вазият бутунлай назоратдан чиқиб кетди. Шу пайтгача Фаластин билан Исроил ўртасида ўт очишни тўхтатиш ва ўзаро муроса-ю мадора тўғрисида қандай келишувларга эришилган бўлса, ҳаммаси бекор бўлди. Фаластин мухториятининг ҳудуди қамал қилинди, Рамаллоҳ шаҳри ҳарбийлар томонидан қуршаб олинди. Ёсир Арофатнинг ҳаракатига, умуман ташқи дунё билан алоқасига чек қўйилди.

Бундай аҳвол Арофатнинг назоратида бўлмаган, унинг Исроил билан муроса йўлини танлаш борасидаги уринишларига қарши бўлган жангари кучлар учун жуда қўл келди. Улар Исроилга қарши террорчилик ҳаракатини кучайтириб юбордилар. Исроил эса ўз навбатида Фаластин назоратидаги ҳудудларга танклар билан бостириб кирди, турар-жой мавзеларини ҳамда Ёсир Арофатнинг қароргоҳини артиллерия ва авиация ёрдамида такрор-такрор ўққа тутди.

Етти ойдирки, бу даҳшатли жараён тинимсиз давом этмоқда. Бир томондан, ўзларини-ўзлари ўлимга маҳкум қилган фаластинликларнинг террористик чиқишлари тинмаётган бўлса, иккинчи томондан исроилликларнинг кескин ҳарбий чоралари тўхтамаяпти. Натижада ҳар иккала томондан сон-саноқсиз қурбонлар берилаяпти.

Хўш, юзага келган ўта хавфли вазият Исроилнинг ўзида қандай баҳоланмоқда?! Ташқи ишлар вазири Шимон Перес Ёсир Арофатни уй қамоғидан озод қилишни таклиф қилмоқда. Кутилмаганда бу таклифни мудофаа вазири Беньямин бен Элиезер ҳам қўллаб-қувватлади. Яқинда бош вазир Ариел Шарон телевидение орқали халққа мурожаатида Фаластин ҳудудларининг атрофида 200 километр узунликдаги тиконли симлар ва миналаштирилган майдонлар билан мустаҳкамланган оралиқ ҳудуд ташкил этиш ташаббуси билан чиққан эди. Ҳукуматнинг аксарият аъзолари бу таклифни маъқуллашмади. Улар оралиқ ҳудудни самарасиз ҳамда ортиқча сарф-ҳаражат талаб қиладиган чора дейишди ва Ёсир Арофатнинг Рамаллоҳдан чиқишига руҳсат беришни таклиф қилишди.

Исроил кнессетининг депутати Роман Бронфман «Труд» газетасига берган интервьюсида шундай деди: «Менинг ишонч ҳосил қилишимча, Исроил ва Фаластин раҳбарияти (Ариел Шарон ва Ёсир Арофат каби раҳнамоларни назарда тутяпман) тинчлик аҳдлашувига эришишга астойдил интилмаяптилар» деди.

Демак, вазият жуда мураккаб. Унинг ечими чигаллашиб бораётган бир пайтда Саудия Арабистони валиаҳди Абдуллоҳ бир таклифни ўртага ташлади. Унга кўра Исроил 1967 йилда ва ундан кейинги даврда босиб олинган барча ҳудудларни тарк этиши лозим. Бунинг эвазига араб давлатлари Исроил билан барча турдаги дипломатик алоқаларни тиклайди. Демак, ҳудудларни қайтариб бериш эвазига Исроилга боқий тинчлик таклиф қилиняпти. Бу янги, биринчи марта айтилган таклиф бўлмаса ҳам у араб дунёсида энг катта нуфузга эга бўлган давлат томонидан айтилганлиги учун катта акс-садо берди. Аксарият сиёсатчиларнинг фикрича, бу таклиф Фаластинга ҳам, Исроилга ҳам маъқул бўлган.

Айниқса, Исроил президенти Моше Кацав шаҳзода Абдуллоҳнинг таклифини кўтаринки кайфиятда кутиб олди. У яқинда фикр алмашиш учун ҳатто шаҳзодани Қуддусга таклиф қилди. Бу таклиф Исроил мудофаа вазирига ҳам маъқул бўлди. Ташқи ишлар вазири Шимон Перес эса, шаҳзоданинг таклифини «ўта замонавий ва ғоятда қизиқарли» деди. Бу тўғрида АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл ҳам фикр билдирар экан, уни «ўта муҳим ва айни пайтда энг тўғри таклиф» деб баҳолади.

Жаҳон жамоатчилиги энди араб давлатлари раҳбарларининг фикрини кутмоқда. Афтидан, улар яқин орада ўтказиладиган саммитда аниқ бир хулосага келадилар. Унгача ва музокаралар бошлангунга қадар ҳар иккала томон ҳозирги ўта мураккаб ва қалтис вазиятни янада чигаллаштириб юборадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатдан тийилиб турса, яхши бўларди дейишмоқда шарҳчилар.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**
**«Туркистон-пресс».**

## БИЗНЕС-ШОУ

Ибн Сино номидаги Бухоро шаҳар маданият саройида бизнес-шоу бўлиб ўтди. «Бухоротекс», «Нигора», «Бухороқоракўл», «Бухоромебель», «Зардўз» сингари 40 га яқин ҳиссадорлик жамиятлари биржа савдосида ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан қатнашди.

Чакана ва улгуржи савдо ташкилотларининг вакиллари кўргазмага қўйилган маҳсулотлар, уларнинг нархлари билан танишди, меҳнат жамоалари раҳбарлари ва мутахассислари билан маҳсулот турларини кўпайтириш, харидоргирлигини ошириш, хориж бозорларига чиқиш имкониятлари тўғрисида фикр алмашди. Шу куни биржа савдосида қатнашган корхоналар билан маҳсулот харид қилиш бўйича 602 миллион сўмлик шартномалар тузилди.

**(ЎзА).**

*Таажжуб!*

## ДУДМАЛ ҚАРОРЛАР, МУЖМАЛ ЖАВОБЛАР

Фермерлар фаолиятига ноқонуний аралашишдек номақбул ишларга чек қўйиш лозим, деб нуфузли йиғилишларда кўп бор таъкидланди. Лекин айрим кимсалар ҳамон бунга беписандлик билан қараб келмоқдалар. Хўш, ноқонуний аралашувлардан қандай наф кўрилади? Тан олиш лозим, бу ҳолат хўжаликларга ҳам, тадбиркорларга ҳам иқтисодий ва маънавий зарардан бошқа нарса келтирмайди. Таассуфки, бундай хатти-ҳаракатлар Сирдарё вилоятининг айрим туманларида ҳанузгача учрамоқда. Одамларимиз Юртбошимиз далдаси, қўллаб-қувватлаши туфайли фермерликка астойдил интилаётган бир пайтда айрим хўжалик раҳбарлари ерни ўз эгаларига топшириш масалаларини узоқроқ муддат пайсалга солиш дардида юрибдилар. Сансалорлик боис, муайян ер майдонлари ҳосилдорлиги кескин пасайиб кетмоқда. Ана шундай салбий ҳолатларнинг бири ҳақида қуйида фикр юритамиз.

Сайхунобод туманидаги «Ўзбекистон» ширкатлар уюшмасидан ўтган йили вилоят адлия бошқармасига кўплаб ариза ва шикоятлар кела бошлади. Уларнинг аксарияти хўжалик раҳбари Усмонжон Исабоевнинг ножўя фаолияти, фермерлик йўлига жиддий тўсиқлар қўяётгани хусусида эди.

Бундай ноҳақликка дуч келганлардан бири Адилбой Абдуолимов бўлди. У хўжаликда 30 йилдан буён ишлар эди. 1995 йилда «Бунёдкор» хусусий корхонасини ташкил этди. Қулочни кенгроқ ёйиш мақсадида хўжаликдан ер ажратиб беришни сўради. 2000 йилнинг 3 июнида хўжаликнинг собиқ раҳбари Х.Жўраев унинг аризасини умумий йиғилишда кўриб чиқди. Ер ажратиб бериш ҳақида қарор қабул қилинди. Ушбу қарор «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғинининг 35-сонли қарори билан тасдиқланиб, ер ажратиш туман ҳокимлигидан сўралади. Бу чоғда хўжалик раҳбари курсисини Усмонжон Исабоев эгаллаган эди.

А.Абдуолимовнинг аризаси туман фермер хўжаликлари ташкил этиш комиссиясининг етти кишидан иборат аъзолари томонидан кўриб чиқилади, 18,8 гектар ер ажратиш тўғрисида туман ҳокимлигига тавсия юборилади. Бироқ, ҳоким Р.Нормуродов ушбу ҳужжатларни кўриб чиқишни хўжаликнинг янги раҳбари У.Исабоевга ҳавола этади. Раҳбар юқоридаги ҳужжатлар ҳокимлик томонидан асоссиз қонунга зид равишда қайтарилганлигини кўра-била туриб, А.Абдуолимов аризасини эътиборсиз қолдиради. Ишга адлия идоралари аралашгач, 2001 йилнинг 16 ноябрида шошма-шошарлик билан саводсизларча 53-сонли қарор қабул этилади. Гарчанд, умумий йиғилиш кун тартибига «Ишчи ва хизматчилардан фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисида тушган аризаларни кўриб чиқиш ҳақида»ги масала қўйилган бўлсада, қарорга «зўр тузатиш» киритилади ва ўзга хулосага келинади. Аниқроғи, «2001 йил 16 ноябргача чиқарилган барча ер тўғрисидаги илгариги умумий йиғилишлар қарорлари бекор қилинсин ва ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин» деган ёзув пайдо бўлади. Афтидан У.Исабоев отилган ўқни бир зарб билан қайтардим, деб ўйлаган бўлса керак. Ажабланарлиси, илгариги умумий йиғилишларнинг қарорлари нима сабабдан бекор қилинаётгани ҳақида лом-лим дейилмайди. Қолаверса, гап фермер хўжаликлари ҳақида кетаётган бўлса, фермерлар иштироки таъминланиб, бундай хулосага келиш сабаблари кўрсатилиши лозим эмасмиди?! Аслида ширкат хўжалиги қарорларини фақат юқори турувчи, аниқроғи, туман ҳокимлиги бекор қилмайдими? А.Абдуолимов юқоридаги тескари жавобни олиш учун нақд бир йилдан ошиқ вақт югурди. Идоралар эшигида сарғайди, қанча моддий ва маънавий зарар кўрди. Аммо, қийинчилик ва тўраларча муносабатлар унинг мулкка эга бўлиш истагини сўндира олмади.

Фуқаро Ашурали Қўшиев ҳам туман ҳокими Р.Нормуродов ҳамда хўжалик раҳбари У.Исабоевнинг юқоридагидек зарбасига учради. Мазкур оила пудрати бошлиғи илтимоси ҳам боягидек қабилда саҳналаштирилиб, қонунга ҳилоф равишда амалга оширилди. Фақат А.Қўшиевнинг Сайҳун қўрғони билан «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги оралиғидаги йўлни узоқ муддат сарсардон кезганлиги қолди.

Хўш, фуқароларни овора-ю сарсон қилишдан мақсад нима эди? Хўжаликдаги қуйидаги яна бир ҳолатга эътибор қаратайлик. «Зиёдулла» номли фермер хўжалиги 2000 йилнинг 18 августида хўжалик ҳисобида бўлган ЮМЗ-6 русумли тракторни давлат мулк қўмитаси орқали сотиб олган эди. Чунки, хўжалик солиқ қарзларидан қутилиш учун техникани ким ошди савдосига қўйган эди. Тадбиркор тезда тегишли суммани хўжалик ҳисоб рақамига ўтказади. Аммо, ўжар раис техникани айни иш қизғин паллада ўн ой давомида зўравонлик билан ўз эгасига топширмасдан юрди. Иш судга ошгач, хўжалик кўрган 1,5 миллионлик зарарни ширкат хўжалиги тўлашга мажбур бўлди. Тадбиркор кўрган зарар ҳам қарийб ярим миллион деб баҳоланди. Охири муросаи мадора йўлини ахтариб, «Зиёдулла» фермер хўжалигига келтирилган зарарни қоплаш учун битта ГАЗ-53 автомобилини бериш билан зўрға этакларини ёпадилар.

— Бир раҳбар ўжарлиги қанча одамларни овора қилиб, қимматли вақтларини йўқотишга сабаб бўлди, — дейди Сирдарё вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Зокиржон Отабоев, — барибир адолат тантана қилди. Аммо, одамларнинг ишдан, бошқарувдан кўнгли совиб қолаётгани хунук бўлмоқда.

Юқоридаги ҳолат тўғрисида фикр юритар эканмиз, Юртбошимизнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган маърузаларидаги қуйидаги жумлалар ёдга тушади: «Раҳбар киши эл-юртнинг ташвиши билан, шу ташвишларни имкон қадар осон қилиш ва енгиллатишни ўйлаб яшаши, одамларни ҳимоя қилишга доимо тайёр туриши, бир сўз билан айтганда, халқнинг дардини ўз дарди деб билиши керак». Дарҳақиқат, шундай! Бугун бу дард дилимизни ўртамаса, эртанги кун ташвишини қилмасак, биздан жамият ҳам, одамлар ҳам рози бўлмайди. «Ўзбекистон» ширкат хўжалигидагидек қусриятларни бот-бот такрорлайверсак, иқтисодий ислоҳотларимиз тақдири не кечади? Жиддий хулосалар чиқариш фурсати келмадимикан?!

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

